

Мундарижа

Кириш

1.	Иштихон шахри учун бошлангиз маълумотларни туплаш.....	4
1.1.	Лойиха ечимининг кискача иктисодий техникавий асоси.....	4
1.2.	Шахар худудининг характеристикаси, иклими, шароити ва тупрок шароитлари.....	5
2.	Шахардаги газ истемолини аниклаш.....	11
3.	Истумолчиларнинг категориясига караб газнинг йилбай сарфини хисоблаш.....	12
3.1.	Аҳоли яшайдиган уй-жойлардаги газнинг йилбай сарфи.....	12
3.2.	Коммунал-маиший хизмат курсатиш биноларидаги газнинг йилбай сарфи.....	14
3.3.	Умумий овкатланиш жойларидаги газнинг йилбай сарфи..	17
3.4.	Согликни саклаш муассасиларида газнинг йилбай сарфи.....	17
3.5.	Нонвойхона ва кандолат махсулот ишлаб чиқарадиган корхоналарида газнинг йилбай сарфи.....	18
3.6.	Уй-жой, жамоат биноларини иситиш ва хаво алмаштириш ҳамда иссик сув таъминоти учун сарф буладиган газнинг йилбай сарфи.....	19
4.	Газнинг соатбай сарфини аниклаш.....	22
4.1.	Аҳоли яшайдиган уй-жойлардаги газнинг соатбай сарфи.....	22
4.2.	Уй-жой, жамоат биноларини иситиш ва хаво алмаштириш ҳамда иссик сув таъминоти учун сарф буладиган газнинг соатбай сарфи.....	22
5.	Газнинг солиштирма сарфини аниклаш.....	26
6.	Оптимал радиус, йуклама ва газ таксимлаш шахобча(ГТШ)ларнинг миқдорини аниклаш.....	26
7.	Юкори(Урта) босимли газ кувурларини хисоблаш.....	44
8.	Паст босимли газ кувурини хисоблаш.....	45

9.	5 қаватли турар жой биноси газ таъминоти хисоби	52
10.	Хулоса.....	56
11.	Фойдаланилган адабиётлар	57
12.	Экология	58
13.	Мехнат ва Хаётий фаолият муҳофазаси.....	71
14.	Интернет маълумотлари.....	75
15.	Иловалар.....	82

Кириш

Инсоният жуда кўп минг йиллар давомида ёқилғи сифатида асосан дарахтзор қолдиқлари, ёғочдан ўсимлик ва ҳайвонот олами қолдиқларидан фойдаланиб келинган. Ер қуррасида аҳоли ўсиши кўпайиб борган сари инсониятнинг ёқилғига бўлган талаби ҳам ошиб борган ва натижада янги кўринишдаги ёқилғидан фойдаланишга эҳтиёж пайдо бўлган. Ёнувчи газларнинг тўғрисидаги дастлабки маълумотлар қадимий ёдгорликлар ва тарихий қўлёзмаларда учрайди. Ёнувчи газларнинг амалда кенг миқёсда ишлитилиши, XIX аср бошларига тўғри келди. Дастлабки пайтларда Европа мамлакатларида ёнувчи газ ёқилғисидан йирик шаҳарлардан кечки пайтларда кўчаларни ёритиш учун фойдаланилган. XIX асрнинг иккинчи ярмида, газ ёндиргич (горелка) ихтиро қилингандан сўнг, газ ёқилғисидан фойдаланиш миқдорининг тезлик билан ривожланишга олиб келди.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси саноат корхоналари иссиқлик электр энергияси ишлаб чиқарувчи энергетик ва иссиқлик қурилмаларига асосан ёқилғи сифатида табиий газ ёқилғисидан фойдаланилмоқда.

Ўзбекистон ўз ер ости бойликлари билан ҳақли суратда фахрланади-бу ерда машҳур Менделеев даврий системасининг деярли барча элементлари топилган дейди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов.

Республикаимиз қудратли ривожланган энергетика базасига эгадир. Ҳозирги пайтда фақатгина табиий газнинг разветка қилинган захиралари 2,5 триллион куб метрга яқиндир. Кейинги йигирма йил ичида жаҳонда газ сарфига бўлган талаб ниҳоятда ошиб бормоқда, унинг қазиб олиниш миқдори қарийиб уч маротаба кўпайди. Республикаимизда ҳам газ қазиб чиқариш ва ундан фойдаланиш суратлари йилдан йилга ошиб бормоқда.

Жаҳон ёқилғи-энергетика комплексиди кайта тиклаб бўлмайдиган органик ёқилғиларнинг улушларининг ошиб бориши сабабли биринчи навбатда улардан ниҳоятда тежамкор ва унумли фойдаланиш энг асосий долзарб муаммолардан биридир. Бугунги кунда бутун жаҳонда сарфланаётган умумий газ миқдорининг 60% дан ортиғи саноат корхоналари зиммасига тўғри келади. Энг кўп миқдорда газ сарф қиладиган саноат корхоналари қуйидагилардир: иссиқлик электр энергиялари ишлаб чиқарувчи энергия комплекслари: қора ва рангли металлургия, химия, машинасозлик, қурилиш индустрияси саноат корхоналари ва бошқалар киради

Газ таъминотининг ривожланишида шаҳар, қўрғон газ тармоқларин системаларининг ишончли ишлашини таъминлаш ва тўғри фойдаланишни ташкил этишнинг аҳамияти жуда каттадир. Бу масалаларнинг ечими шаҳар, қўрғон газ таъминоти системаларининг тўғри ва мукамал лойиҳаланишига боғлиқдир.

1. Иштихон шахри учун бошлангич маълумотларни туплаш

1.1 Лойиха ечими кискача иктисодий техникавий асоси

Газ таъминоти тизими техникавий – иктисодий оптимизация килишдан максад зарур фойдали натижа еришишда енг кам моддий энергетик маблаглар сарф килишдир. Бундай ечимлар биттаси Полиетилен(Полевиниль,Полекарбонат,Пластмасса) кувурларни куллаш каррозиянининг йуклиги хисобига эксплуатация килиш сарф харажатларини кескин камайтиради. Бундан ташкари бундай кувурларда изоляция ва пайвандлаш ишларига мухтожлик сезилмаслиги сабабли иш арзонлашади ва жадаллашади. Тажриба шуни курсатадики Полиетилен газ кувурларининг курилиш монтаж ишлари темир кувурларнкига нисбатан уртача 15 %га кискаради.

1.2 Шахар худудининг характеристикаси, иклим шароитлари ва тупрок шароитлари

Иштихон тумани	
Мамлакат	Ўзбекистон

Мақоми	туман
Таркибида	Самарқанд вилояти
Маъмурий маркази	Иштихон
Асос солинган санаси	08.05.1943
Расмий тиллар	Ўзбек
Аҳоли	218431 минг киши
Динлар таркиби	мусулмонлар
Майдони	0.72 минг км.кв км ²
Соат минтақаси	UTC+5
Телефон коди	+9986662
Автомобил рақами коди	30...-40

Иштихон тумани— Самарканд вилоятидаги туман. Самарқанд шаҳридан 68 км. Вилоятнинг Қўшработ, Паярик, Каттақўрғон, Пастдарғом туманлари, б-н чегарадош. Маркази - Иштихон шаҳр.Умумий ер майдони 0,72 минг кв.км.

Аҳолиси: 218,431 минг киши (2013.01.01.). Шундан шаҳар жойларда 64,447 киши, қишлоқ жойларда 154,043 киши яшайди. Аҳолиси асосан

Ўзбеклар шунингдек рус, тожик, корейс, украин, татар, арман ва бошқа миллатлар яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км.кв га 303.3 киши.

Мамурий тузилиши: Туманда 1та шаҳар (Иштихон), бир шаҳарча (Митан), 9 та қишлоқ фуқаролари йиғини (Азамат, Зарбанд, Равот, Файзиобод, Халқобод, Чордара, Ўртақишлоқ, Қурли, Ҳақиқат), 12 та шаҳар типдаги пасёлкалар (Митан, Азамат, Дамариқ, К.Беканова, Қирқйигит, Одил, Суғот, Ҳалқобод, Шайхислом, Шайхлар, Янгиробот, Янгикент).62 та маҳалла фуқоралар йиғини , шундан 11 таси шаҳар маҳаллалар, 169 та қишлоқ аҳоли пунктларидан иборат.

Тарихи : Иштихон Зарафшон водийсидаги қадимги шаҳар бўлиб, Оқдарё ва Қорадарё оралиғидаги Миёнқал оролида жойлашган. Барпо бўлган йили номаълум, илк феодализм даврида мустақил ҳокимлик маркази бўлган. Кейинчалик Сўғдиёна таркибига кирган. Самарқанд араблар томонидан босиб олингач, сўғд ишхитлари Иштихонга келиб пойтахт қилган. Айнан "Иштихон" номи ҳам "ишхит ҳон " сўзидан келиб чиққан. X асрда Иштихон қаъла, шахристон ва работдан иборат катта шаҳар бўлган.

Тарихда савдо -сотик ривожланган, атрофи боғлар, қишлоқлар, далалар билан ўралган. Иштихонга Зарафшон дарёсидан канал орқали сув келган.

Кейинчалик Иштихон шаҳри харобага айланиб, унинг ўрнида Иштихон қишлоғи пайдо бўлган, Иштихон тумани 1943 йил 18 майда Оқдарё туманининг Бодай, Шайхлар, Ўртақишлоқ, Қатағон, Қорадарё туманининг Таллизигир, Сарбозор, Октепа, Суғот, Тарвузтавоқ, Гадойтипмас қишлоқ кенгашларидан ташкил этилган.Туман таркибига ўша пайтда жами 11 та қишлоқ кенгаши, 42 та ж/х киритилди. Иштихон туманида тарихий ўлкашунослик музей 1979 йил 18 майда очилган. Музей 4 та залдан иборат ; ўлкашунослик зали, тарих зали, этнографик зали ва мустақиллик зали бўлиб, музейда 1315 та экспонат сақланмоқда.

Табиати: И.т. қадимий Миёнқол воҳасида, Зарафшон дарёсининг икки тармоғи — Оқдарё ва Қорадарё оралиғида жойлашган. Шим. қисми адир ва қирлардан иборат. Нурота тоғларининг жан. ён бағридаги текислик б-н туташган. Туман ҳудудидан Миёнқол, Қора-сув, Хатирчи, Янгикент, Хонминг каби каналлар ўтади. Экин майдонлари Янгикент ва Хўжаарик каналларидан суғорилади.

Иқлими континентал. Вегетатсия даври 120—150 кун. Йиллик ёғин 350 мм. Ўртача т-ра июлда 27°, янв. да —1,9°. (1969 й.да энг паст т-ра — 27° кайд этилган). Тупроқлари типик бўз, аллювиал ўтлоқ, ўтлоқи ва ўтлоқи-бот-қоқ тупроқлар. Ёввойи ўсимликлардан янтоқ, оққурай, жийда, дўлана, чаканда, зира, чучукмия ва б. ўсади. Ҳайвонлардан бўрсик, бўри чиябўри, тулки, қуён, қушлардан тустовуқ, бедана, қорабовур, турна, лайлак учрайди.

Саноати: Тумандаги корхоналар маҳаллий хом ашёни қайта ишлашга ихтисослаштирилган. Пахта тозалаш з-ди (Митан), ғишт, консерва з-длари, "Алносир" қўшма корхонаси мавжуд, 138 кичик ва хусусий корхона, фирма ва аксиядорлик жа-миятлари фаолият кўрсатади. Туман ҳудудидан Тошкент — Бухоро автомобил ё'ли (40 км) ўтади. Иштихон — Каттақўрғон, Иштихон — Митан — Оқтепа ва б. ё'налишларда автобус қатнови ё'лга қўйилган.

Хўжалиги: Туман қ.х.да пахтачилик асосий ўрин эгаллайди. Туман ширкат, деҳқон-фер-мер хўжаликлари ғаллачилик, пиллачилик, чорвачилик, боғдорчилик, полизчилик, сабзавотчилик б-н ҳам шуғулланади. Пахта 11,7 минг га, ғалла 7,0 минг га майдонга экилади, қарийб 1,5 минг га тоқзорлар б-н банд. Туманда 21 ширкат ва ижара хўжалиги, фер-мерлар уюшмаси бор. Туман ширкат ва шахсий хўжаликларида қорамол, қўй ва эчки

боқилади. И.т.да 100 га яқин умумий таълим мактаби, 60 дан зиёд жамоат кутубхонаси, 30 га яқин клуб, бир неча маданият уйлари, музей, маданият ва истироҳат боғи бор. Иштихонда туман марказий касалхонаси (570 ўрин, 305 врач, Митан шаҳарчасида филиали бор), 24 қишлоқ врачлик пункти, қишлоқ врачлик амбулаториялари, поликлиникалар хизмат кўрсатмоқда. "Мингёнғоқ" санаторийси мавжуд. 1934 й. дан "Иштихон овози" туман газ. чиқади (адади 2300).

2.1 Бошланғич маълумотлар.

Лойиҳаланаётган шаҳар «Иштихон» Самарқанд вилоятининг шимолий қисмида жойлашган. Шаҳарнинг ўртасидан ўтувчи магистрал авто йули шаҳарни иккита қисмга бўлиб туради. Шаҳарда катта автомобиль шох кўчаси ўтган.

Шаҳар ҳудудини шартли равишда турли хил қаватли иморатлар қурилган, икки маъмурий-туманга бўламиз. Биринчи «И» туманда 3-5 қаватли, иккинчи «ИИ» туманда 4-7 қаватли бинолар жойлашган.

Шаҳарнинг ҳар бир тумани тўлиғича ободонлаштирилган, яшайдиган уйларда сув таъминоти, канализация, марказлашган иситиш ва иссиқ сув тармоқлари мавжуд. Бундан ташқари шаҳарнинг ҳар бир туманида яшаётган аҳоли ҳамма кўринишдаги коммунал-маиший хизматлардан тўлиғича фойдаланилади. Ҳар бир туманда ҳаммом, кир ювиш корхонаси, ўқув ва даволанувчи, маъмурий ва умумий бинолар мавжуд бўлсин. Аҳолининг маиший-коммунал хизматларига керакли газ таъминоти чегараси берилган бўлсин. Бошқа керакли маълумотларни «С» шаҳри учун қурилиш нормаси ва қоидалари (ҚМ ва Қ) дан қабул қиламиз.

2.2. Иқлимий маълумотлар

Самарқанд вилояти ҳудудида жойлашган «Иштихон» шаҳри учун иқлимий маълумотларни ҚМваҚ дан қабул қиламиз. - энг совуқ беш кунда ташқи ҳаворанг ўртача ҳарорати; $t_{и,х} = -13^{\circ}\text{C}$

-ҳаво алмаштириш системаларини ҳисоблаш учун қишки ҳисоблаш ҳарорати,

$$t_{ха,х} = -3^{\circ}\text{C}$$

- иситиш давомидаги ташқи ҳавонинг ўртача ҳарорати; $t_{ўр,и} = +2,8^{\circ}\text{C}$

-иситишнинг давом вақти; $H_{ис} = 132$ сутка

Шамолнинг тарифи

Шахар	Шамолнинг есиш тезлиги				Бир йил давомида энг ката уртача ойлик тезлиги		Бир йил мобайнида чанг-тузон ва изгирин кунлар сони
	Январ ойидаги уртача ойлик тезлиги	Январ ойидаги и румблар буйича энг ката уртача	Июль ойидаги и уртача ойлик тезлик	Июль ойидаги и румблар буйича энг кичик уртача	Курсаткич	Ой	

		тезлик		тезлик			
1	2	3	4	5	6	7	8
Иштихон	2.9	3.0	2.5	0	3.5	ИИИ , ИВ	13

2.3. Лойиҳаланаётган шаҳар учун газ таъминоти манбаси.

Лойиҳаланаётган «Иштихон» шаҳри учун асосий газ манбаси сифатида шаҳар яқинидан ўтган Газли-Бухоро-Самарқанд-Тошкент магистрал газ қувиридан фойдаланилади.

Шаҳар ташқарисидан магистрал газ қувиридан газ таъминловчи станция (ГТС) орқали газ олиниб ва ГТС да газ тозаланиб, қайта ишланиб босими P_6 (бошланғич) босим 0,601 МПа камайтирилиб берилади. Тармоқдаги газнинг охириги босими $P_{ох}=0,300$ МПа. Газли газ конидан қазиб олинаётган табиий газнинг таркиби қуйидагичадир

Табиий газнинг таркиби (Фоииз ҳисобида, ҳажм буйича)

1 - жадвал

№	Ҳажм буйича ҳисобида газнинг таркиби							Н.Ф.Ш · газнинг г зичлиги и т, 0 ° С П=101,	Н.Ф.Ш. газнинг ёниш иссиқлиги, кЖ нм ³	
	CH ₄	C ₂ H ₆	C ₃ H ₈	C ₄ H ₁₀	C ₅ H ₁₂	CO	H ₂ Бош қа газ		Юқори ри миқд орда	Паст миқдор да

							лар	3 КПа		
1	89.9	3.0	1.6	1.0	0.5	1.2	2.8		41706. 78 кЖ/нм ³	37595.38 кЖ/нм ³

Лойиҳаланаётган «Иштихон» шаҳри учун газнинг тўлиқ ёнганда
ундан ажралиб чиқадиган паст миқдордаги иссиқлик миқдорини

И- жадвалдан қабул қиламиз ва тенг бўлади:

$$Q_{наст}^{III} = 37595.38 \text{ кЖ/нм}^3$$

Табиий газнинг зичлиги нормал физик шароитда (н.ф.ш)
 $\rho_r = 0.771 \text{ кг/м}^3$ тенгдир.

Газнинг атмосфера ҳавосига нисбатан нисбий зичлиги қуйидагича
топилади:

$$S = \frac{\rho_r}{\rho_x}; \quad \text{Бу ерда: } \rho_r - \text{нормал шароитда газнинг зичлиги}$$

$$(\rho_r = 0.771 \text{ кг/м}^3)$$

$$S = \frac{\rho_r}{\rho_x} = \frac{0.771}{1.293} = 0.596; - \text{нормал шароитда ҳавонинг зичлиги } (\rho_x = 1.293 \text{ кг/м}^3)$$

2.4 Лойиҳаланаётган «Иштихон» шаҳар учун аҳоли сонини аниқлашда, ҳар бир туман учун яшаш фондининг зичлигига, қуриладиган қурилиш майдонига, гектар ҳисобида ва ҳар бир яшайдиган одам учун етарли яшаш майдони ҚМ Қ дан шаҳарнинг географик жойланишига қараб қабул қилинади.

Ҳар бир туман учун аҳоли сони қуйидаги формула билан ҳисобланади.

$$N = \frac{F_{к.м} * q_{яфз}}{\varphi_n}; \quad \text{КИШИ}$$

(21)

Бу ерда, $\Phi_{\text{км}}$ – туманларнинг қурилиш майдони (гектарда).

Бу майдон асосан шаҳарнинг бош режаси 1:10000 масштабда ўлчаб ҳисобланади

$\kappa_{\text{я,ф.з}}$ - яшаш фондининг зичлиги, $\text{м}^2/\text{гек}$.

Бу қиймат биноларнинг қаватлар сонига қараб қурилиш нормалари ва қоидалари ҚМ Қ 11-60-75 ** дан қабул қилинади.

φ_n - яшаш майдонини таъминловчи

норма: Жанубий

кентликда жойлашган туманлар учун ($\varphi_n = 16 \text{ м}^2 / \text{одам}$)

қабул қилинади

Аниқланган аҳоли сони қуйидаги жадвалга киритилади.

2 - жадвал

№	Туманлар номи	Қурилиш майдони (гек)	Қуриладиган биноларнинг ўртача қаватлари	Яшаш майдони зичлиги	Туманлар бўйича яшаш майдони	Яшаш майдони таъмин. норма	Туманлар бўйича аҳоли сони (минг) киши
1	2	3	4	5	6	7	8

1	“И”туман	721.9	3-5	3533	2,550,472	16	159,404
2	“ИИ”туман	627.6	4-7	4025	2.526.090	16	157,880
	Жами	1349.5	-	-	6,007,180	-	317,284

2.5 Аҳолига ва коммунал-маиший корхоналарга сарфланаётган газни ҳисоблаш

Шаҳар газ тармоқларида сарфланаётган газни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- а) турмушга ва коммунал-маиший корхоналарга
- б) иссиқлик ва электр энергияси ишлаб чиқарадиган манбаларга
- в) саноат корхоналарини газ билан таъминлашга.

Истеъмолчиларнинг ҳар бир гуруҳига керакли миқдордаги газнинг йиллик нормаси ҚМ Қ 2.04.08-96 да келтирилган [3]

Йил давомида сарфланаётган газ миқдори.

Ҳар бир кишига йил давомида сарфланаётган газнинг миқдори, шаҳарнинг ободонлаштирилганлиги даражасига қараб нормага [3] асосланиб ҳисобланади.

Коммунал-маиший корхоналарга ва аҳолига сарфланаётган газнинг йиллик миқдори шаҳарнинг марказлашган ва марказлашмаган иситиш система таъминотига қараб ҳисобланиши қуйидаги жадвалда келтирилган.

**Марказлашган иссиқ сув таъминоти бўлганида аҳолига ва
коммунал-маиший корхоналарга сарфланаётган газнинг миқдори.**

(ҚМҚ 2.04.08-96)

3 – жадвал

Тартиб сон и №	Истеъмолчиларнинг турлари	Ўлчов Бирлиги	Сарфла - наётган газнинг нормаси и иссиқлик бирлиги и мж - да	1000 кишига нисбатан ҳисоб бирлиги и	1000 кишига сарфланаётган газнинг йиллик миқдори	
					МЖ ҳисобида	Минг м ³ ҳисобида
1	2	3	4	5	6	7
1.	Аҳоли яшайдиган уйларда овқат тайёрлаш учун	1 $\frac{\text{одам}}{\text{йил}}$	2800	1000	2800x10 ³	74,5
2.	Шифохоналарга:	1 $\frac{\text{ужувчи}}{\text{йил}}$	3200	12	38400	1,02
	а) овқат пиширишга	1 $\frac{\text{урин}}{\text{йил}}$	9200	12	110400	2,93
	б) иссиқ сув тайёрлаш					

3.	Мактабларга		170*	180	30600	0,81
4.	Меҳмонхоналарга	$1 \frac{\text{урин}}{\text{йил}}$	3560	5	17800	0,473
5.	Ҳаммомларга	$1 \frac{\text{ювин}}{\text{йил}}$	50	26x10	1300x10	34,57
6.	Умумий овқатланиш корхоналарда	шартл и тушли к $1 \frac{\text{нонушта}}{\text{йил}}$	6,3	97,2	612,36	16,28
7.	Нон заводи:					
	а) колипли нон		2500	13,2	330×10^3	0,904
	б) батон нон		5450	44	239800	6,37
	в) кандолат маҳсулотлари		7750	44	341000	9,07
8.	Кир ювиш учун	1т.кир	8800	672	592240	15,75
	а)Уй шароитида	ювиш га				
	б)механизациялаш ма-ган Кир ювиш		12600	14,4	181440	4,826

	хонасида в)механизациялаш ган кир ювиш хонаси		18800	67,4	1267,12x10	33,7
9.	Болалар яслисида а) Овқат тайёрлаш учун б) Иссиқ сув тайёрлаш учун	1болага йил давоми да -“-	2050 1800	35 35	71750 63000	1,90 1,67
10.	Болалар боғчасида а)овқат тайёрлаш учун б)иссиқ сув тайёрлаш учун	1болаг а йил давом ида	2390 1340	45 45	107550 60300	2,86 1,60

Коммунал маиший-корхоналарга йил давомида сарфланаётган газнинг миқдори газ таъминоти босқичидан асосий ўқув китоби асосида ечилади.

1. Нон заводлари учун минг кишига умумий нон ва қандолат маҳсулотларининг умумий миқдори бир йилда 220 тоннани ташкил этади. Шу жумладан тахминан қолипчи нон 60 фоизни, батон нони 20–фоизни, ва қандолат маҳсулотлари -20 фоизни ташкил этади, яъни:

-қолипчи нон $0,6 \times 220 = 132$ тонна

-батон нони $0,2 \times 220 = 44$ тонна

-қандолат маҳсулоти $0,2 \times 220 = 44$ тонна.

2. Кир ювиш корхоналарида йил давомида сарфланаётган газнинг миқдори жорий норматив ҳужжатлар ва илмий муассасаларнинг маълумотига асосланган ҳолда ўртача ҳисобда аҳолидан ва ташкилотлардан ҳар минг кишига 145-150 тонна йиғилади.

Аҳолидан 96-100 тонна: ташкилотлардан 50-55 тонна. Кир ювишнинг ўзи ҳам ўз навбатида уч гуруҳга бўлинади: уй шароитида, механизациялашган ва механизациялашмаган корхоналардир. Ўзаро фоиз ҳисобида тақсимланиши курс лойиҳа топшириғида кўрсатилади. Берилган топшириғга асосан Кир ювиш корхоналарида кирнинг миқдори қуйидагича:

-уй шароитида Кир ювиш (70%): $0,7 \times 96 = 67,2$ тонна

-механизациялашмаган кир хонада (15%): $0,15 \times 96 = 14,4$ тонна

-механизациялашган кир ювиш хонада (15%): $53 + 0,15 \times 96 = 67,4$ тонна

3. Ҳаммомларга сарфланаётган газнинг йиллик миқдори қуйидаги формула орқали ҳисобланади: $Q_x = Z_x * Y_x * N_x * 52 * q_x$ (2.2)

Бу ерда: q_x - бир маротаба ювиниш учун сарфланаётган газнинг миқдори, иссиқлик бирлиги МЖда – 50МЖ. ҚМҚ 2.04.08.96 да келтирилган

Z_x – Аҳоли яшайдиган хоналарда ванна бор йўқлигини ҳисобга олувчи қиймат.

Z_x - 0,5 га тенг қачонки иссиқ сув марказлашган иситиш системаси орқали ўтганда.

Y_x – ҳаммомнинг газ ёқилғиси билан ишлашини ҳисобга олувчи қиймат. Бу

қиймат курс лойиҳа ишида кўрсатилади.

N - туманда яшайдиган аҳоли сони (одам).

52 – йил давомида ҳафталар сонини билдиради.

4. Умумий овқатланиш корхоналарида йил давомида сарфланаётган газнинг миқдорини қуйидаги формула орқали ҳисоблаш мумкин.

$$Q_{\text{ум,ок}} = 360 * Z_{\text{ум,ок}} * Y_{\text{ум,ок}} * N * q_{\text{ум,ок}} \quad (2.3)$$

Бу ерда: $Z_{\text{ум,ок}}$ - аҳолининг умумий овқатланиш корхоналаридан фойдаланишни ҳисобга олувчи қиймат: $Z_{\text{ум,ок}} = 0,25 \div 0,3$ тенг деб қабул қилинади.

$Y_{\text{ум,ок}}$ – умумий овқатланиш корхоналарининг газ ёқилғиси билан ишлашни ҳисобга олувчи қиймат.

Бу қиймат курс лойиҳа топшириғида кўрсатилади.

N - туманда яшайдиган аҳоли сони (одам)

$q_{\text{ум,ок}}$ – ҳар бир эрталабки нонушта ва тушликка бирга сарфланаётган газ миқдорини ҳисобга олувчи қиймат иссиқлик бирлигида 6,3 МЖ га тенг $q_{\text{ум,ок}}$ МЖ тушлик+эрталабки нонушта

Марказлашган иссиқ сув таъминоти бўлмаганда аҳолига ва коммунал – маиший корхоналарга сарфланаётган газнинг йиллик миқдори

№	Истеъмолчиларнинг турлари	Ўлчов бирлиги	Сарфланаётган газнинг нормаси иссиқлик бирлиги-да МЖ	Минг кишига нисбатан Хисоб бирлиги	Минг кишига сарфланаётган газнинг йиллик миқдори $Q \frac{ми}{наст} = 37595.38 МЖ / Нм^3$	
					МЖ хисобида	Минг Нм ³ хисобида
1	2	3	4	5	6	7
1	Аҳоли яшайдиган биноларда сув иситгич ва газ плиталаридан сарфланаётган газ	$1 \frac{одам}{йил}$	8000/8800	1000	8000×10^3	212,79
2	Шифохонада овқат пишириш ва иссиқ сув тайёрлаш учун	$1 \frac{урин}{йил}$	12400	12	$148,8 \times 10^3$	3,958

Юқорида ҳисобланган 2,3 ва 4-жадваллар ёрдамида аҳоли коммунал-маиший корхоналарга керакли йил давомида сарфланаётган газнинг миқдорини аниқлаймиз. Олинган натижаларни умумлаштириб, жадвал кўринишига келтирамиз.

Коммунал ва турмушга керакли бир йилда сарфланаётган газ.

5 – жадвал

№	Истеъмолчиларнинг турлари	Минг кишига сарф. Газ минг м³	Туманлар бўйича бир йилда сарфланаётган газнинг миқдори млн м³/йил				Умумий ΣQ $\frac{млн * м^3}{йил}$
			“ И “ туман		“ ИИ “ туман		
			Аҳоли сони минг киши ҳисоби -да	$\frac{млн * м^3}{йил}$ Қ,	Аҳоли сони минг киши ҳисоби -да	$\frac{млн * м^3}{йил}$ Қ,	
1	2	3	4	5	6	7	8
1.	Марказлашган иситиш системаси бўлганда овқат, тайёрлаш учун	74,5	159,404	11,87	157,880	11,76	23,63
2.	Шифохоналарга	3,95	159,404	0,62	157,880	0,623	1,243

3.	Мактабларга	0,81	159,404	0,12	157,880	0,127	0,247
4.	Меҳмонхоналарга	0,473	159,404	0,075	157,880	0,074	0,149
5.	Ҳаммомларга	34,57	159,404	5,51	157,880	5,45	10,96
6.	Умумий овқатланиш корхоналарига	16,28	159,404	2,59	157,880	2,57	5,16
7.	Нон ишлаб чиқариш/з	16,34 4	159,404	2,6	157,880	2,58	5,18
8.	Кир ювиш учун а) уй шароитида	15,75	159,404	2,51	157,880	2,48	4,99
	б) меҳ-ялашмаган корхонада	4,826	159,404	0,769	157,880	0,761	1,53
	в) механизациялашга н корхонада	33,7	159,404	5,37	157,880	5,32	10,69
9.	Болалар ялсисида	1,9	159,404	0,302	157,880	0,299	0,601
		1,67	159,404	0,266	157,880	0,263	0,529

10.	Болалар боғчасида	2,86	159,404	0,455	157,880	0,451	0,906
		1,6	159,404	0,255	157,880	0,252	0,507
	Жами:		-	33,312	-	33,01	66,322
	Шу жумладан						
	а)ўртача тақсимотдаги истеъмолчилар			5,51		5,45	10,96
	-ҳаммом			0,62		0,623	1,243
	-шифохона			2,6		2,58	5,18
	-нон заводи			5,37		5,32	10,69
	-						
	механизациялашган хонада						
	Жами:			14,1		13,973	28,073
	б)Текис тақсимланувчи майда коммунал маиший корхоналар			19,212		19,037	38,249

ИИ. Газнинг соатбай сарфланаётган миқдори.

Аҳоли коммунал-маиший хизматлари учун соатбай сарфланаётган газнинг миқдори қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$Q_{cx} = K_m * Q_{uil} [нм^3 / соат]; [2.4]$$

Бу ерда: K_m – максимал соатбай қиймат бу қиймат аҳоли сонига қараб ҚМ Қ 2.04.08.87 дан қабул қилинади.

Ҳисоблашнинг натижаларини 6-жадвалда келтирамиз.

Коммунал-маиший истеъмолчиларига соатбай сарфланаётган газнинг миқдори.

6 - жадвал

Туман-лар номи	Истеъмолчиларнинг турлари	Максимал соатбай қиймат K_m	Газ миқдори йиллик соатлик		Коммунал маиший кохоналар сони	Ҳар бир корхона учун соатбай газнинг миқдори $м^3/соат$
			$\frac{млн * м^3}{йил}$	$м^3/соат$		
1	2	3	4	5	6	7
“ И “ туман	Аҳолига	1:2594	19,212	7406,3	-	
	Ҳаммомга	1:2700	5,51	2040,7	8	255.08
	Шифохонага	1:3000	0,62	206,6	2	103.3

	Нон заводга	1:6000	2,6	433,3	2	216,65
	Мех-ция корхонага	1:2900	5,37	1851,7	6	308.61
	Жами:	-	33,312	-	18	-
“ ИИ “ туман	Аҳолига	1:2578	19,037	7384,4 2018,5 207,6 430 1834,4	-	252.31 103.8 215 305.73
	Ҳаммомга	1:2700	5,45		8	
	Шифохонага	1:3000	0,623		2	
	Нон заводга	1:6000	2,58		2	
	Мех-ция корхонага	1:2900	5,32		6	
	Жами:	-	33,01	-	18	-
	Шаҳар бўйича	-	66.44	-	36	-

2.6 Иситиш ҳавоалмаштириш ва иссиқлик сув тайёрлашда соатлик ва йиллик газ миқдорини аниқлаш

А. Яшайдиган ва умумий биноларни газ таъминоти билан лойиҳалашда керакли лойиҳа маълумотлари бўлмаганда, иситиш ҳаво алмаштириш ва иссиқ сув таъминоти учун соатбай газнинг керакли миқдорини қуйидаги формула орқали ҳисоблаш мумкин.

$$V_c^{um} = \frac{Q_{um}}{Q_{nasm} * r}; \quad \text{м}^3 / \text{соат} \quad (2.5)$$

Бу ерда : $K_{ит}$ – иссиқлик таъминоти учун керакли бўлган максимал соатбай иссиқликмиқдорининг йиғиндиси, МЖ.

$Q_{наст}^{ии}$ - паст миқдордаги газнинг ёнишдаги ажралиб чиққан

ишчи иссиқлик миқдори МЖ/нм³

η - иссиқлик таъминоти системаларининг фойдали иш

қиймат, марказлашган иситиш системалари учун

керакли бўлган 0.7- 0,75;

маҳаллий иситиш системалари учун 0.8-0.9

V_c^{um} - иссиқлик таъминоти учун керакли бўлган газ миқдорининг

йиғиндиси м³/соат

Умумий,маъмурий ва яшайдиган биноларда иситиш, ҳаво алмаштириш ва иссиқ сув таъминоти учун максимал соатбай иссиқликнинг

миқдори қуйидаги формула орқали ҳисобланади.

$$Q_{ит} = Q_{ис}^{яи} + Q_{ис}^{ум} + Q_{х.а}^{ум} + 2Q_{ур.и.ст} \quad (2.6)$$

Бу ерда : $Q_{ис}^{яи}, Q_{ис}^{ум}$ - яшайдиган ва умумий

биноларнииситиш учун максимал соатбай иссиқлик миқдори, МЖ

$Q_{х.а}^{ум}$ - умумий биноларнинг ҳаво алмаштириш учун

максимал соатбай иссиқлик миқдори, МЖ

$Q_{ур,ист}$ - иситиш даври давомида, иссиқ сув таъминоти учун

сарфланаётган ўртача иссиқлик миқдори МЖ

Яшайдиган ва умумий биноларни иситиш учун сарфланаётган иссиқликнинг максимал соатбай миқдори, иситишнинг ҳисобланиш (ташқи) ҳароратига қараб топилади.

$$Q_{ис}^{яи} = q * F_{яи}; \quad (2.7)$$

Бу ерда: q – яшайдиган биноларда 1 м^2 майдонни иситиш учун, соатбай сарфланаётган иссиқликнинг яхлит кўрсаткичи $\text{КЖ/соат} \cdot \text{м}^2$

Лойиҳаланаётган «Иштихон» шаҳар учун $t_{ux} = -13^\circ\text{C}$; $q = 485,9$ $\text{кЖ/соат} \cdot \text{м}^2$ $\Phi_{\text{яш}}$ – яшаш майдони, м^2

Умумий биноларни иситиш учун сарфланаётган иссиқликнинг соатбай миқдори, яшайдиган биноларни иситиш учун сарфланаётган иссиқликнинг миқдорининг чорак қисмига тенгдир яъни: $Q_{uc}^{ym} = 0,25 \cdot Q_{uc}^{яш}$,

МЖ,(2.8) Умумий биноларнинг ҳаво алмаштириш учун керакли иссиқлик миқдори қуйидагича аниқланади:
 $Q_{x.a}^{ym} = 0,4 \cdot Q_{uc}^{ym} = 0,25 \cdot 0,4 \cdot Q_{uc}^{яш} = 0,1 \cdot Q_{uc}^{яш}$; МЖ (2.9)

Яшайдиган, умумий биноларни иситиш учун ва умумий биноларда ҳаво алмаштириш учун керакли бўлган иссиқлик миқдорининг умумий йиғиндиси тенг бўлади:

$$Q_{uc}^{яш} + Q_{uc}^{ym} + Q_{x.a}^{ym} = q \cdot F_{яш} + 0,25 \cdot q \cdot F_{яш} + 0,1 \cdot q \cdot F_{яш} = 1,35 \cdot q \cdot F_{яш}; \quad (2.10)$$

Шундай қилиб умумий биноларни иситиш ҳаво алмаштириш учун сарфланаётган иссиқлик миқдори, яшайдиган биноларни иситишга сарфланаётган иссиқлик миқдорининг 35 фоизига тенгдир.

Яшайдиган ва умумий биноларга иситиш даври давомида иссиқ сув таъминоти учун сарфланаётган ўртача иссиқликнинг миқдори қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$Q_{yp,uct} = q_{u.ct} \cdot N_{\text{о}}; \quad \text{МЖ,(2.11)}$$

Бу ерда : $q_{\text{ист}}$ – бир одамга иссиқ сув таъминоти учун ўртача соатбай сарфланаётган иссиқлик миқдорининг яхлит кўрсаткичи [$\text{КЖ/соат} \cdot \text{одам}$];

эслатма – [1]

дан иссиқ сув миқдорининг нормаси “а” га қараб қабул қилинади.

$N_{\text{о}}$ - аҳоли сони, одам.

Иссиқ сув таъминоти учун максимал соатбай иссиқликнинг миқдори

тенг бўлади. $Q_{ист}^{max} = 2 * Q_{ур.ист}$; МЖ (2.12)

“ И “ туман учун:

(7) формуладан фойдаланиб $Q_{ис}^{ии}$ топамиз:

$$Q_{ис}^{ии} = q * F_{ии} = 2,550,472 * 485,9 = 1239274,3 МЖ$$

Соатбай сарфланаётган газ миқдорини топамиз:

$$V_{газ}^{ии} = \frac{Q_{ис}^{ии}}{Q_{наст}^{ии} * \eta} = \frac{1239274,3}{37,595 * 0,8} = \frac{1239274,3}{30,076} = 41204,7 м^3 / соат;$$

Бу ерда $Q_{наст}^{ии}$ - газ тўлиқ ёнганда ундан ажралиб чиқадиган паст миқдордаги иссиқлик (1-жадвалдан) қабул қиламиз КЖ/нм³ ёки 37,595 МЖ/нм³ (8) ва

(9) формулалардан фойдаланиб $Q_{ис}^{ым}$ ва $Q_{ха}^{ым}$ ларни ҳисоблаймиз;

$$Q_{ис}^{ым} = 0,25 * Q_{ис}^{ии} = 0,25 * 1239274,3 = 309818,575 МЖ.$$

$$Q_{ха}^{ым} = 0,1 * Q_{ис}^{ии} = 0,1 * 1239274,3 = 123927,43 МЖ.$$

Иситиш ва ҳаво алмаштириш учун сарфланаётган газнинг миқдорини куйидагича ҳисоблаймиз:

$$V_{ис,ха}^{ым} = \frac{Q_{ис}^{ым} + Q_{ха}^{ым}}{Q_{наст}^{ии} * \eta} = \frac{309818,575 + 123927,43}{37,595 * 0,8} = 14421,6 м^3 / соат;$$

Иссиқ сув таъминоти учун сарфланаётган ўртача иссиқлик ва газнинг миқдорини ҳисоблаймиз: $Q_{ур.ист} = q_{ист} * N_2 = 1360 * 159.404 = 216789.44 МЖ$

Бу ерда: $q_{ист} = 1360$ кж/соат одам ($a = 100$ л/сут) га қараб қабул қилинади.

$$V_{ур.ист}^{газ} = \frac{Q_{ур.ист}}{Q_{наст}^{ии} * \eta} = \frac{216789.44}{37.595 * 0,8} = 7208.05 м^3 / соат$$

Максимал соатбай газнинг миқдорини тенг бўлади:

$$V_{и,ст}^{max} = 2 * V_{ур,ист} = 2 * 7208.05 = 14416.1 нм^3 / соат.$$

“ ИИ “ туман учун:

(7) формуладан фойдаланиб $Q_{uc}^{яи}$ топамиз:

$$Q_{uc}^{яи} = q * F_{яи} = 2,526,090 * 485,9 = 1227427,1 \text{ МЖ}$$

Соатбай сарфланаётган газ миқдорини топамиз:

$$V_{газ}^{яи} = \frac{Q_{uc}^{яи}}{Q_{наст}^{иш} * \eta} = \frac{1227427,1}{37,595 * 0,8} = \frac{1227427,1}{30,076} = 40810,8 \text{ м}^3 / \text{соат};$$

Бу ерда $Q_{наст}^{иш}$ - газ тўлиқ ёнганда ундан ажралиб чиқадиган паст миқдордаги иссиқлик (1-жадвалдан) қабул қиламиз КЖ/нм^3 ёки $37,595 \text{ МЖ/нм}^3$ (8) ва (9) формулалардан фойдаланиб $Q_{uc}^{ям}$ ва $Q_{ха}^{ям}$ ларни ҳисоблаймиз;

$$Q_{uc}^{ям} = 0,25 * Q_{uc}^{яи} = 0,25 * 1227427,1 = 306856,7 \text{ МЖ}.$$

$$Q_{ха}^{ям} = 0,1 * Q_{uc}^{яи} = 0,1 * 1227427,1 = 122742,71 \text{ МЖ}.$$

Иситиш ва ҳаво алмаштириш учун сарфланаётган газнинг миқдорини куйидагича ҳисоблаймиз:

$$V_{uc,ха}^{ям} = \frac{Q_{uc}^{ям} + Q_{ха}^{ям}}{Q_{наст}^{иш} * \eta} = \frac{306856,7 + 122742,71}{37,595 * 0,8} = 14283,7 \text{ м}^3 / \text{соат};$$

Иссиқ сув таъминоти учун сарфланаётган ўртача иссиқлик ва газнинг миқдорини ҳисоблаймиз: $Q_{ур,ист} = q_{ист} * N_{\text{б}} = 1360 * 157,880 = 214716,8 \text{ МЖ}$

Бу ерда: $q_{ист} = 1360 \text{ кж/соат одам}$ ($a = 100 \text{ л/сут}$) га қараб қабул қилинади.

$$V_{ур,ист}^{газ} = \frac{Q_{ур,ист}}{Q_{наст}^{иш} * \eta} = \frac{214716,8}{37,595 * 0,8} = 7139,1 \text{ м}^3 / \text{соат}$$

Максимал соатбай газнинг миқдорини тенг бўлади:

$$V_{и,ст}^{мах} = 2 * V_{ур,ист} = 2 * 7139,1 = 14278,2 \text{ нм}^3 / \text{соат}.$$

Ҳисоблашнинг натижалари (7,8,9-жадвалларга) киритилади. Худди шу тартибда қолган учун ҳам ҳисобланади.

**Уйларни иситиш учун керак бўлган иссиқлик ва газнинг
соатбай миқдорини ҳисоблаш 7- жадвал**

Тар- тиб сони	Туманларнинг турлари	Яшаш майдони [минг*м ²] $\Phi_{яш}$	соатбай иссиқлик миқдори яхлит кўрсаткичи қ кж/соат	Соатбай миқдори	
				иссиқлик	газ
				МЖ/соат	М ³ /соат
1	2	3	4	5	6
	“ И “ ТУМАН	2,550,472	485.9		
	“ ИИ ”ТУМАН	2,526,090	485.9	1239274,3	41204,7
				1227247,1	40810,8
	Жами:	5,076,562	-	2466521,4	82015,5

Умумий биноларни иситиш ва ҳаво алмаштиришда иссиқлик

ва газнинг соатбай миқдорини ҳисоблаш 8 - жадвал

Тар- тиб сон и	Туманларнинг турлари	Яшайдига н уйларни иситишда иссиқлик миқдори МЖ	Иссиқлик миқдори, МЖ			Уму мий газн инг мик дори Қих
			$Q_{ис}^{ум}$	$Q_{ха}^{ум}$	$Q_{ис}^{ум} + Q_{ха}^{ум}$	

						м3/с оат
1	2	3	4	5	6	7
1	“ И “ туман	1239274,3	309818,5	123927,4	433745,9	14421,6
2	“ИИ “ туман	1227247,1	306856,7	122742,7	429599,4	14283,7
	Жами:	2466521,4	616675,2	246670,1	863345,3	28705,3

**Иссиқлик сув таъминоти учун иссиқлик ва газнинг соатбай
миқдорини ҳисоблаш.**

9-жадвал

Тар тиб сони	Туманлар нинг турлари	Одамлар сони № Минг.ки ши	Яхлит кўрсатк ич К _{ис} КДЖ/ода м	Иссиқлик нинг ўрта соатбай Қўр,ист МЖ	Газнинг миқдори	
					Ўртача соатбай	ҳисобл и
1	2	3	4	5	6	7

5580400 “Мухандислик коммуникация курилиши” факультети таълим йуналиши
401- (ИГТ) гуруҳ талабаси Бўронов Исломжон

Саҳифа: 31

DL

1	“ И “ туман	159,404	1360	216789,4	7208,05	14416,1
2	“ ИИ “ туман	157,880	1360	214716,8	7139,1	14278,2
	Жами:	317,284	-	431506,2	14347,15	28694,3

Иссиқлик таъминоти учун соатбай газнинг миқдорини ҳисоблаш.

10 –

жадвал

Тар- тиб сони	Туманларни нг турлари	Иссиқли к таъмино ти манбаси	Газнинг соатбай миқдори $\text{м}^3/\text{соат}$			Сарфланаётг ан
			$V_{ис}^{яш}$	$V_{ис,хд}^{ум}$	$V_{и,ст}$	Газнинг йиғиндиси ΣQ $\text{м}^3/\text{соат}$
1	“ И “ туман	ИЭМ	32139,6	11248,8	11244,5	54633.072
		ТИҚ	9065,03	3172,7	3171,5	15409.328
	Жами:	-	41204,7	14421,6	14416,1	70042.4
	“ ИИ ” туман	ИЭМ	31832,4	11141,2	11136,9	54110,7

2		ТИҚ	8978,3	3142,4	3141,2	15261,9
	Жами:	-	40810,8	14283,7	14278,2	69372,7
	Шаҳар бўйича	ИЭМ ТИҚ	63972,0 9 18043,4 1	22390,1 3 6315,1	22381,5 6312,7	139414,1 30671,3
	Жами:	-	82015,5	28705,3	28694,3	139415,1

ИИ. Яшайдиган ва умумий бинолар учун, иситишга, ҳаво алмаштириш ва иссиқ сув таъминотида йил давомида сарфланаётган газнинг миқдори қуйидаги формула билан ҳисобланади:

- яшайдиган уйларни иситиш учун: $Q_{uc}^{йил} = 24 * n_{uc} * Q_{uc}^{яил} \frac{t_u - t_{yp,uc}}{t_u - t_{u,x}};$ МЖ

(2.13)

- умумий биноларда иситиш ва ҳаво алмаштириш:

$$Q_{u,x}^{йил} = 24 * n_{uc} * Q_{uc}^{ум} \frac{t_u - t_{yp,uc}}{t_u - t_{u,x}} + Z * n_{uc} Q_{ха}^{ум} \frac{t_u - t_{yp,uc}}{t_u - t_{xx}};$$

(2.14)

- иссиқ сув таъминотида:

$$Q_{uc,m}^{йил} = 24 * n_{uc} * Q_{yp,ucm} + \beta' * 24 * Q_{yp,uc,m} (350 - n_{uc});$$

МЖ (2.15)

Бу ерда: n_{uc} - лойиҳаланаётган шаҳарда иситишнинг давоми вақти.

Каттақўрғон шаҳри учун $n_{uc}=132$ сутка.

З – умумий биноларда сутка давомида ҳаво алмаштириш системаларининг ишлаш соати сони. Лойиҳада $Z=16$ соат деб қабул қилинади.

350-йил давомида иссиқ сув таъминоти системаларининг ишлаш суткалари сони.

β' - ёз пайтида ўртача соатбай иссиқ сув таъминоти миқдорининг камайиши ҳисобга олувчи қиймат.

Бу қиймат қуйидаги формула орқали ифодаланади:

$$\beta' = 0,8 \frac{60 - t_{\text{ёз.с}}}{60 - t_{\text{қиш.с}}} = 0,8 \frac{60 - 15}{60 - 5} = 0,65;$$

Бу ерда:

$\beta' = 0,65$ га тенг;

$t_{\text{ёз.с}} = +15^{\circ}\text{C}$ ёз пайтида совуқ сувнинг ҳарорати

$t_{\text{қиш.с}} = +5^{\circ}\text{C}$ қиш пайтида совуқ сувнинг ҳарорати

$T_{\text{и}}$, $T_{\text{ўр.ис}}$, $T_{\text{и,х}}$ – бинонинг ички, иситишнинг ўртача ва иситишнинг

ҳисобланиш ҳароратлари [5] қабул қилинди

$Q_{\text{ис}}^{\text{яш}}$ - яшайдиган биноларни иситиш учун сарфланаётган иссиқлик миқдори МЖ (жадвалдан олинди)

$Q_{\text{ис}}^{\text{ум}}$ - умумий биноларни иситиш учун сарфланаётган иссиқлик

миқдори, МЖ (жадвалдан олинди)

$Q_{\text{х,а}}^{\text{ум}}$ - умумий биноларда ҳаво алмашилишида сарфланаётган иссиқлик

миқдори МЖ (жадвалдан олинди)

Диплом ишининг ечими:

**Яшайдиган уйларни иситиш учун, йил давомидаги иссиқликнинг
миқдорини (2.13) формула орқали «Иштихон» шаҳри учун
ҳисоблаймиз:**

“ И “ туманда:

$$Q_{ис}^{йил} = 24 * n_{ис} * Q_{ис}^{яш} \frac{t_u - t_{ур,ис}}{t_u - t_{u,x}} = 24 * 132 * 125185,8 \frac{18 - 2,8}{18 + 13} = 24 * 132 * 1239274,3 * 0,490 = 1,923,750 \text{ млрд. МЖ / йил}$$

“ ИИ “ туманда:

$$Q_{ис}^{йил} = 24 * 132 * 1227247,1 * 0,490 = 1,905,080 \text{ млрд. МЖ / йил.}$$

Яшайдиган биноларни иситиш учун газнинг миқдорини ҳисоблаймиз:

“ И “ туманда:

$$V_{ис}^{йил} = 24 * n_{ис} * V_{ис}^{яш} * \frac{t_u - t_{ур,ис}}{t_u - t_{u,x}} = 24 * 132 * 41204,7 * 0,490 = 63,962,879 \text{ млн * м}^3 / \text{йил}$$

Бу қиймат (7-жадвалдан олинди)

“ ИИ “ туманда:

$$V_{ис}^{йил} = 24 * 132 * 40810,8 * 0,490 = 63,351,421 \text{ млн * м}^3 / \text{йил.}$$

**Умумий биноларни иситиш ва ҳаво алмаштириш учун йил давомида
сарфланаётган иссиқлик ва газнинг миқдорини ҳисоблаймиз:**

“ И “ туманда:

$$Q_{u,x}^{йил} = 24 * n_{ис} * Q_{ис}^{ум} \frac{t_u - t_{ур,ис}}{t_u - t_{u,x}} + Z * n_{ис} * Q_{x,a}^{ум} \frac{t_u - t_{ур,ис}}{t_u - t_{x,x}} =$$
$$24 * 132 * 309818,5 \frac{18 - 2,8}{18 + 13} + 16 * 132 * 12927,4 \frac{18 - 2,8}{18 + 3} = 670,171,619 \frac{\text{млн * МЖ}}{\text{йил}};$$

“ ИИ “ туманда:

$$Q_{u,x}^{йил} = 24 * 132 * 306856,7 * 0,490 + 16 * 132 * 122742,7 * 0,723 = 663,764,949 \text{ млн} * \text{МЖ} / \text{йил}.$$

Умумий биноларда иситиш ва ҳаво алмаштириш учун йил давомида сарфланаётган газнинг миқдорини ҳисоблаймиз:

“ И “ туман учун:

$$V_{u,x}^{йил} = 24 * 132 * 0,490 * V_{ux} = 1552,32 * 14421,6 = 22,386,938 \text{ млн} * \text{м}^3 / \text{йил}.$$

“ ИИ “ туман учун:

$$V_{u,x}^{йил} = 24 * 132 * 0,490 * V_{ux} = 1552,32 * 14283,7 = 22,172,873 \text{ млн} * \text{м}^3 / \text{йил}.$$

Иссиқ сув таъминоти учун йил давомида сарфланаётган иссиқлик ва газнинг миқдорини аниқлаймиз.

“ И “ туманда:

$$Q_{u,ct}^{йил} = 24 * n_{uc} * Q_{ур,ист} + \beta' * 24 * Q_{ур,ист} (350 - n_{uc}) = 24 * 132 * 216789,4 + 0,8 * 24 * 216789,4 (350 - 132) = 1,594,182,532 \text{ млрд} * \text{МЖ} / \text{йил}.$$

“ ИИ “ туман учун:

$$Q_{u,ct}^{йил} = 24 * n_{uc} * Q_{ур,ист} + \beta' * 24 * Q_{ур,ист} (350 - n_{uc}) = 1,578,941,461 \text{ млрд} * \text{МЖ} / \text{йил}.$$

Иссиқ сув таъминоти учун йил давомида сарфланаётган газнинг миқдорини аниқлаймиз:

“ И “ туман учун:

$$V_{u,ct}^{газ} = V_{ур,ист} [24 * n_{uc} + \beta' * 24 (350 - n_{uc})] = 7208,05 (3168 + 5232) = 7208,05 * 8400 = 60,547,620 \text{ млн} * \text{м}^3 / \text{йил};$$

Бу ерда : - $V_{ур,ист}$ ўртача иссиқ сув таъминоти учун сарфланаётган газнинг миқдорини (9-жадвалдан) олинди.

“ ИИ “ туман учун:

$$V_{u,ct}^{газ} = 7139,1 * 8400 = 59,968,440 \text{ млн} * \text{м}^3 / \text{йил};$$

Ҳисоблашдан топилган натижаларни 11- жадвалга киритамиз.

№	Туманларнинг турлари	Иссиқлик таъминоти манбаси	Йиллик иссиқлик миқдорини млн * мЖ/йил				Йиллик газ миқдори млн м ³ /йил			
			$Q_{ис}^{яш}$	$Q_{ха}^{ум}$	$Q_{и,ст}$	Умумий миқдори	$v_{ис}^{яш}$	$v_{ха}^{ум}$	$V_{и,ст}$	Умумий миқдори
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
	“ И “ туман	ИЭМ	1,500,525	522,733,862	1,243,462,374	1,767,696,762	49,891,045	17,461,811	47,227,143	114,580,00
		ТИК	432,225	147,437,756	350,720,157	498,581,138	14,071,833	4,925,126	13,320,476	32,317,436

	Жами :	-	1,923,750	670,171,619	1,594,182,532	2,266,277,901	63,962,879	22,386,938	60,547,620	146,897,437
	“ И И “ туман	ИЭМ	1,485,962	517,736,660	231,574,339	1,750,796,962	49,414,108	17,294,840	46,775,383	113,484,332
		ТИК	419,117	146,028,288	247,367,121	493,814,527	13,937,313	4,878,032	13,193,056	32,008,401
	Жами:	-	1,905,080	663,764,949	1,578,941,461	2,244,611,490	63,351,421	22,172,873	59,968,440	145,492,734
	Шаҳар бўйича	ИЭМ	2,986,487	570,130,523	2,475,036,714	3,518,493,724	99,305,154	34,756,652	94,002,526	228,064,333
		ТИК	842,342	160,806,044	698,087,278	992,992,	28,009,146	9,803,158	26,513,533	64,

						395, 667				325 ,83 7
	Жами:	-	3,828, 830	730,93 6,568	3,173,1 23,993	4,51 0,88 9,39 1	127,3 14,30 0	44,55 9,811	120,5 16,06 0	292 ,39 0,1 71

Саноат корхоналарида сарфланаётган газнинг миқдори **11-**
жадвал

Диплом ишининг топшириғи бўйича «**Иштихон**» шахрида бешта катта саноат корхонаси (СКХ) жойлашган.

Технологик ва иситиш учун керакли бўлган саноат корхоналарида газнинг соатбай ҳисобли миқдорини қуйидаги формула орқали ҳисобланади. [1]

$$V_{c,x} = \frac{V_{\text{йил}}}{M}; \quad \text{нм}^3/\text{соат} \quad (2.16)$$

Бу ерда: $V_{\text{йил}}$ - йиллик газ миқдори, нм³/йил.

